



ҚАШҚАДАРЁ: ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 апрель куни Қашқадарё вилоятига келди.

Ташрифдаги биринчи манзил Кўкдала тумани бўлди. Бу маъмурий бирлиكنи ташкил этиш гоёси Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридан ўрин олган эди. Олий Мажлис Сенатининг шу йил 17 мартдаги қарорига мувофиқ, аҳолига

қулайликлар яратиш ҳамда урбанизация жараёнларини тартибга солиш мақсадида Чирокчи туманининг бир қисмида Кўкдала тумани ташкил этилди. Президент ташрифи арафасида ушбу янги туманда “Чирокчи кластер”

масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Унинг биноси енгил конструкциялардан қурилган. 500 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, хотин-қизлар билан суҳбатлашди. — Кўрапсизлар, аёллар бўйича қанча қарорлар қабул қилияпмиз, ташкилий чоралар кўряпмиз. Бунинг замиридаги

мақсад — сизларнинг қувончингизни кўриш. Бир аёлни, бир қизимни иш билан таъминласак, унинг кайфияти бутун хонадонга таъсир қилади, фарзандларини яхши ўқитади. Бугун ҳам кўп режалар, имкониятлар билан келдик. Ўзбекистонда орзулар амалга ошадиган замон қуришга ҳаракат қилияпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона йилига 7 миллион дона тайёр кийим ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларнинг катта қисми “Samol” бренди остида экспорт қилинади. Бунинг учун таниқли хорижий брендлар билан ҳамкорлик режалаштирилган.

Кластер раҳбарига пахта ҳосилдорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, Еттиотом шаҳарчаси Кўкдала туманининг маъмурий маркази этиб белгиланган. Энди бу ерда инфратузилмани ривожлантириш зарур. Президентимиз ушбу шаҳарчани батафсил режалаштириш лойиҳаси билан танишди.

Туман ҳудуди 171 минг гектар бўлиб, 32 та маҳалладан иборат. Лойиҳага кўра, Еттиотом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, “Янги Ўзбекистон” массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари барпо этилади. 159 километр йўл таъмирланиб, 50 километр ичимлик суви, 80 километр электр тармоқлари қурилади.

Президентимиз янги биноларни энергиятежамкор қилиб қуриш, уйлар тепасига қуёш энергияси панеллари ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Кўкдалада 500-1000 мегаваттлик қуёш электр станциялари ва қуёш панеллари корхонасини барпо этиш имкониятини ўрганиш бўйича топшириқ берилди.

Шу ерда аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Улар илгари Чирокчи тумани марказига 2-3 соатлаб йўл юрилгани, бу кўп қийинчилик ва харажатлар тугдирганини сўзлаб беришди.

— Кўкдала туманини ташкил этишдан асосий мақсад бу ерда яшайдиган 182 минг нафар аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли

бандлигини таъминлаш бўйича ишларимизни янги босқичга кўтаришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиши таъкидланди. Бу ерда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш учун қарийб 2 триллион сўм маблағлар йўналтирилади. Жорий йилда 260 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари оилавий болалар уйи ташкил этган ота-оналар билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев раҳбар сифатида қатъиятли ва талабчан бўлса, шахс сифатида меҳрибон ва эътиборли инсон. Бунинг унинг кексаларга, болаларга, эҳтиёжманд одамларга муносабатидан билса бўлади.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилояти ҳокими бўлганида Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тартибга келтиргани, Самарқандда кўзи ожиз болалар интернатида борганини одамлар ҳалигача эслайди.

Бугун бундай меҳр-эътибор бутун мамлакат миқёсига ёйилган. Президентимиз ҳудудларга чиққанида шундай ижтимоий муассасаларга боришга вақт топади.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги мактаб-интернатга борганида Шавкат Мирзиёев “Юртимизда умуман етимлар бўлмаса, қандай яхши бўларди”, деган эди. Халқимиз бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватламоқда, барча ҳудудларда оилавий болалар уйлари ташкил этилмоқда. Натижада сўнгги ойлarda 16 та Меҳрибонлик уйидан 10 таси ўз фаолиятини тугатди.

Қашқадарё вилоятида ҳам биринчилардан бўлиб, Китоб туманидаги 5-сон ва Қамашиддаги 4-сон Меҳрибонлик уйлари ёпилди. У ерда тарбияланганларнинг бир қисми яқинлари бағрига қайтган бўлса, бир қисми оилавий болалар уйларида қабул қилинган.

Президентимиз Қашқадарёга сафари чоғида шундай меҳрибон инсонлар — Ҳусан Холлиев ва Гулбаҳор Хонимова, Шокир Суёнов ва Гулбаҳор Ҳамидова, Бахтиёр Тўраев ва Гулбаҳор Алланазарова оилалари билан учрашди.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ У ҚАЧОН ВА ҚАЙ ТАРЗДА НАМОЁН БЎЛИШИ КЕРАК?



Куни кеча Президентимизнинг “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган мақсадлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг Худойёр МЕЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Суҳбатимиз аввалида мазкур фармонни қабул қилиш зарурати ҳақида фикр билдирсангиз?

— Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор давлат хизматларини тақдим этишнинг замонавий инфратузилмаси барпо этилди.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида 2017 йилда ҳар бир туман ва шаҳарда Давлат хизматлари марказлари иш бошлади.

Давоми 3-бетда

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 апрель куни маҳаллабай ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



“ҚОНИҚАРСИЗ” ДЕБ БАҲОЛАНГАН 3636 ТА МАҲАЛЛА МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ” ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ.



Йил якунига қадар:



434 та маҳаллада суғориш тизими ва сув таъминотини яхшилаш;



715 та маҳаллада сув, йўл, электр, табиий газ муаммосини ҳал қилиш;



иқтисодий аҳоли оғир **545** та маҳалладан ҳар **5** тасига банк вакилини бириктириб, **“лидер”** тадбиркорларни топиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.



Жорий йилда ушбу маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш ва тадбиркорлик кредитлари учун



800 млрд. сўм ажратилади.



Маҳаллаларни ихтисослашуви бўйича қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилади.



Деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган **2,5** мингта маҳалла **“лидер”** тадбиркорлар орқали ривожлантирилади.



Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка ихтисослашган **2,5** мингта маҳаллани ривожлантириш учун:



камида **1,5** мингта маҳаллага инкубатор;



ҳар бир вилоятда камида **20** мингта хонадонга **20-100** тадан хонаки товуқ;



5-10 та хонадонга **1000** тагача маҳалла ичида асалари уялари тарқатилади.



оилавий тадбиркорлик дастуридан **500** млрд. сўм йўналтирилади;



Биринчи ярим йилликда аҳоли хонадонларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида камида **140** минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.



БИР ОЙ МУДДАТДА 700 ТА ИХТИСОСЛАШГАН МАҲАЛЛАДА САНОАТ, ҲУНАРМАНДИЧИЛИК ВА КАСАНАЧИЛИК МИКРО МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИШЛАРИ БОШЛанаДИ.



Бу марказларнинг **70** таси ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда очилади.



Ушбу марказлардан **5** йил муддатда ер ва мол-мулк солиғи ундирилмайди.

Жорий йилда бу мақсадларга **500** млрд. сўм йўналтирилади.

Ушбу саноят марказлари орқали **50** минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

КАСАНАЧИЛАР БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ТАДБИРКОРЛАРГА:



оилавий тадбиркорлик дастуридан **500** млрд. сўм йўналтирилади;



оладиган кредитлари бўйича Тадбиркорлик жамғармасидан **75%** лик кафилик берилади ҳамда фоииз харажатларининг **10%** дан юқори қисми қоплаб берилади.

ҚАШҚАДАРЁ: ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ВА ЯНГИ ИМКОНиятлар

Бошланғичи 1-бетда

— Давлатимиз сиёсатини амалга ошириб, болаларнинг бошини силаб, оилангиз бағрига олганингиз учун сизларга таъзим қилиб, раҳмат айтаман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Сиз ўзлигинизни, халқимиз маънавиятини намоён этиб, намуна бўляпсиз. Бу қийин, буни ҳамма ҳам тушунмаслиги мумкин. Лекин бу савоб ишнинг ажру мукофоти жуда улкан. Сиз тарих яратяпсиз, ўзингизга маънавий ҳайкал қўйяпсиз. Халқимиз бундай олижаноб фазилатларни юксак қадрлайди.

Президент болажонларга ҳам мурожаат қилиб, далда берди.

— Ҳаёт ўқир-чўқир, синовлардан иборат. Ҳозир сизлар учун синов. Лекин, мен ишонаман, келажақда тенгдошларингга ўрناк бўласизлар. Меҳнат, машаққатсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Мен ҳам болалигимда қийинчилик қўриб, катта бўлганман. Сизлар ҳар доим давлатимизнинг эътиборида бўласиз: таълим-тарбиянгиз, ўқишларга киришингизни назоратга оламиз. Худо хоҳласа, камолингизни қўриш ҳаммамизга насиб этсин, — деди давлат раҳбари.

Қашқадарё вилоятида жами 16 та оилавий болалар уйлари ташкил этилган бўлиб, уларда 98 нафар ўғил-қиз меҳр оғушига олинган. Президентимиз ушбу оилаларга ҳам миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Косон туманидаги “Косон” фермер хўжалиги даласида бўлиб, ғалла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

82 гектар майдонга эга хўжалик асосан шун экинларга ихтисослашган. Ўтган йили пахтадан 41, ғалладан 70 центнердан ошириб ҳосил олинган. Даромад ҳам шунга яраша яхши бўлган —

ўтган йили 357 миллион сўм даромад топишган.

Бунинг эвазига хўжаликка техникалар харид қилинди, сув тежовчи технологиялар ўрнатилди.

— Бозор иқтисодиётида ишни ҳаракатлантирувчи куч нима? Манфаат. Фермер хўжаликлари ҳам даромаддан кўпайтиришни ўйлаши керак. Даромад бор жойда ривожланиш бўлади. Унумдорликни ошириш учун фойданинг бир қисmini илмга, янги технологияларга сарфлаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Фермер хўжалигида пахта ва ғалла далалари атрофига ток, тут ва ошқовоқ экилган. Президентимиз бу тажрибани кенгайтириб, барча кластер ва фермер хўжаликлари даласи атрофидаги бўш жойларда мева-сабзавотлар етиштириш зарурлигини таъкидлади.

Қашқадарёда қишлоқ хўжалигида энг катта муаммолардан бири — сув камлиги. Шу боис, ёмғирлатиб ва томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

“Косон” фермер хўжалигида ҳам ёмғирлатиб сугориш ташкил этилган. Бу йил яна 23 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб ҳамда 30 гектар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилинган. Натижада 46 минг метр куб сув, 11 тонна минерал ўғит иқтисод қилинади.

Шу ерда сув хўжалиги объектиларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари кластерларга қарашли ерларга сув етказиб бериш бўйича улар билан давлат-хусусий шериклиқни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Косон туманидаги “Бунёдор” пахта-тўқимачилик кластерининг ишлаб чиқариш корхоналарини бориб кўрди.

Бу ерда давлатимиз раҳбарининг кластер ғояси асосида пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ саноат “занжирини” яратилган. Биринчи лойиҳа доирасида қарийб 21 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, замонавий тикувчилик фабрикаси ташкил этилган.

Туркия ва Италиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхона йилга 6 миллион дона тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Даромад жиҳатидан айтганда, қарийб 100 миллиард сўмлик юқори сифатли кийим-кечаклар тикилиб, 2 миллион долларликдан зиёд тайёр маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Айни пайтда фабрикада 320 нафар хотин-қизлар ишламоқда. Президент улар билан суҳбатлашиб, ишларига муваффақият тилади.

Кластерга қарашли калава ип йиғириш ва мато тўқиш қувватлари жорий йил июлда, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси декабрда фойдаланишга топширилади. Уларда яна 700 га яқин иш ўрни ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда соҳа мутахассислари, пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Биз ҳозирги кластер тизими билан енгил босқични босиб ўтдик. Энди сифат, нарх, бозор нуқтани назаридан йўл очик. Шунинг учун кластерларимизнинг чет элларга хизмат сафарлари, кўргазмаларини ташкил этиш керак, — деди Президент.

Тўқимачилик корхоналарини барқарор хомашё билан таъминлаш учун

пахта ҳосилдорлигини ошириш, сунъий тола ишлаб чиқариб, самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Президентимиз Косон туманидаги “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишди.

Бу ерда техника ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 20 га яқин касб-хунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Ўқув ва машғулот хоналари тегишли ускуна, компьютер, муляж ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, ўқиш, ўрганиш ёши чегараланмаган. Бу ерга барча истовчилар, вақтинча ишсиз кишилар ҳам келиши мумкин. Бундай имкониятдан фойдаланиб, аҳоли меҳнат бозорига талаб юқори бўлган электрик, сантехник, пайвандчи, ошпаз, қандолатчи, сартарош ва тикувчи каби касбларни ўрганимоқда. Уларга жаҳон стандартлари даражасида кўникма бериш мақсадида Германия, Туркия ва Япония давлатларидан мутахассислар жалб қилинган. Марказ қошида хорижий тилларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилган.

Бу ерда нафақат Косон, балки қўшни туманлардаги ишсиз фуқароларга 2 ойдан 6 ойгача бўлган курсларда дарс берилади.

Давлатимиз раҳбари марказда яратилган шaroитларни кўздан кечирди, касб ўрганаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг эртанги кунингизга бефарқ бўлмай, касбга интилишингиз мени хурсанд қилди. Бундай марказларни нима учун ташкил этияпмиз? Илгари ёшлар касб эгаллаши учун Тошкентга ёки бошқа шаҳарларга борарди. Энди ўша шaroитларнинг ўзи ёшларнинг олдига келяпти. Мақсадимиз — аҳолини касб-хунарли қилиш. Яхши хунари бор одам ишсиз қолмайди, керак

бўлса уйдан олиб кетишади. Шунинг учун бу имкониятлардан фойдаланиб, йўлингизни топиб олишингиз керак, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги фармонида мувофиқ, аҳолининг уй-жой шaroитини яхшилаш мақсадида жойларда “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилмоқда.

Президентимиз Косон туманида “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда қурилаётган шундай уйлارни бориб кўрди.

Бу ерда 2022-2026 йилларда 120 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, маҳалла идораси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуаси каби турли ижтимоий объеклар барпо этилади. Ушбу ҳудудда истироҳат боғи ва стадион борлиги аҳолига қўлайлик яратади.

Жорий йилда 616 та хонадонли 30 та уй-жой қурилиши бошланган.

Давлатимиз раҳбари уйлارни сифатли қуриш, одамлар учун ҳамёнбоп қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида вилоятда ичимлик суви таъминоти ва оқова тармоғини яхшилаш борасидаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Касби туманидаги Қашаши маҳалласида бўлди.

Бу ерда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларга қўлай ижтимоий шaroитлар яратиш мақсадида ҳудудда “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилди.

Маҳаллага олиб келувчи йўл бўйида 40 дан ортиқ енгил конструкцияли савдо ва хизмат шохобчалари қурилди. Бу орқали 200 нафарга яқин аҳоли ишли бўлди.

Хонадонлар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди. 8 километрдан ортиқ ички йўлларга асфальт, 18 километрдан зиёд қисмига қум-шағал ётқизилди.

Давлатимиз раҳбари Обод маҳалла марказидаги шaroитларни кўрди, болаларнинг санъат ва спорт тўғаракларини кузатди.

— Бундай ишлар туфайли маҳаллаларга нур, маданият қиряпти, одамлар ўзгаришларни сезяпти. Энди ушбу марказ халқимизга хизмат қилиши, доим гавжум бўлиши керак. Бу ерда хизматларни кўпайтириш, ёшларни спортга, турли тўғаракларга жалб этиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллада жорий йилда 600 нафар хотин-қиз касаначилик асосида тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга жалб қилинди.

Кооперация асосида 50 та хонадонда инкубатор орқали жўжа кўпайтириш, 300 та хонадонда гўшт, 200 тасида тухум йўналишида паррандачилик ташкил этилмоқда.

Туман фаоллари билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, бандлик масаласи ҳақида сўз борди. Давлатимиз раҳбари Касби тумани азалдан ўзига хос кулолчилик ва гиламчилик мактаби билан машҳур бўлиб келганини таъкидлаб, “Хунарсанд” уюшмасига ҳудудда ушбу йўналишларни ривожлантиришга кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилояти ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Улмас БАРОТОВ,
Ўза мухбирлари

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ

ТАНҚИДдан ХУЛОСА ЧИҚАриб...

Депутат муаммоларни кузатувчи эмас, ҳал қилувчи кучга айланиши керак

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, турмуш фаровонлигини юксалтиришда меҳнатга, ўз ҳаётини яхшилашга, ташаббускорлик ва тadbиркорликка рағбат уйғотишнинг аҳамияти катта. Тараққиёт стратегияси асосидаги маҳаллабай ислохотларнинг бош мақсадларидан бири ҳам халқимизнинг яратувчанлик кайфиятини кўтариш, жамиятимизда ижтимоий бирдамликни кучайтиришдан иборат, албатта.

Давлатимиз раҳбари раислигида “маҳаллабай” ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган таҳлиллар, танқидий фикрлар ва белгиланган устувор вазифалар ҳаммамизни чуқур мушоадада юритиб, масъулият билан ҳулоса чиқаришга ундади.

Тўғри, йўқдан бор қиладиган, таваккалчилик асосида иш юритадиган тadbиркор бўлиш учун ҳам ўзига хос истеъдод, қобилият керак. Ҳамма ҳам тadbиркор бўлиб кетавермайди. Бироқ инсонга қўлидан келадиган ишга шaroит яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш бандлик ва камбағалликни қисқартиришда ижобий самара бериши шубҳасиз. Буни Хитой, Малайзия каби давлатлар тажрибаси мисолида аққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ишсизликни қисқартиришда ўзини ўзи банд қилиш, томорқадан унумли фойдаланиш, олис ва чекка ҳудудларда ҳам хизматларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Ҳудудларга ислохотлар жараёни билан танишиш мақсадида борганимизда, чекка қишлоқларда касаначилик, хунарсандлик ёки кафтедек ҳовлисида зироатчилик қилиш ортидан рўзғорига кўт-барака киритаётган юртдошларимизни кўриб, қувонасан киши. Ахир, ўз уйда, оиласи бағрида ҳалол меҳнат қилиб, рўзгор тебратишга нима етсин...

Бундай ҳаракатлар давлатимиз томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда, имтиёзлар, қўлайликлар яратилмоқда. Бу борада “маҳаллабай” ишлаш бўйича бир қатор чора-тadbирлар белгилаб олинган ҳамда бу тизим самараси амалда ўз исботини топяпти. Хусусан, ўтган



Бундан ташқари, жорий йилда 250 та оғир маҳалладаги 165 минг аҳоли бандлиги таъминланади. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчиликка ихтисослашган 2,5 мингта маҳалланинг камида 1,5 мингтасига инкубатор, ҳар бир вилоятда камида 20 мингта хонадонга 20-100 тадан хонаки товук ҳамда 1000 тагача маҳаллада 5-10 та хонадонга асалари уяси торқатилади. Бу чора-тadbирлар орқали биринчи ярим йилликда 140 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Хотин-қизлар, ногиронлиги бор аҳолини иш билан таъминлаш аҳоли имконият бўлган касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Касаначилар билан ишлайдиган тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий тadbиркорлик дастуридан 500 миллирд сўм йўналтирилади ва бунда бир қатор имтиёз, енгилликлар татбиқ этилади. Касаначилар эса ўзини ўзи банд қилган фуқаролар каби фақат ижтимоий солиқ тўлаш имконига эга бўлади. Олис ҳудудларда ишлайтган касаначиларнинг дастлабки 1 ойлик иш ҳақи давлат томонидан қўлаб берилади. Натижада биргина ушбу йўналишда жорий йил якунига қадар 100 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар, белгиланган вазифаларнинг ақсарияти бевосита аҳоли ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилгани, бунга қўшимча маблағлар йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими, бандликни таъминлаш ишлари самара бериши аҳолининг турмуши ва кайфиятига катта ижобий таъсир кўрсатади. Бундай муҳим масалада мутасадди ташкилотлар билан бирга вакиллик ҳокимияти, халқ депутатлари кенгашларидаги 6 мингга яқин депутат, парламент аъзолари қатъият ва талабчанлик кўрсатиши талаб этилади.

Депутатлар сайлов округида доим шу йўналишдаги мурожаатларни ҳал этиш, ўрганиш ва мониторинг қилиш билан шуғулланади. Муайян натижалар ҳам йўқ эмас. Лекин тан олиш керакки, бу борадаги фаолиятимизда тизимлилик, натижадорлик ҳозирги талаб даражасида сезилмаёпти.

Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдამчиси, ёшлар вакили бўлса, ҳар бир маҳаллада депутат ҳам бор. Улар бирдам, эзгу мақсад йўлида ҳамфикр бўлса, маҳалладаги ақсарият муаммолар, мурожаатлар ўша жойининг ўзида самарали ҳал этилади. Йиғилишда бир қанча маҳаллаларда натижалар сезилмаётгани асосли танқид қилинди.

Халқдепутатлари маҳаллий кенгашлари ҳудудлардаги ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ичидан билмас экан, уларни жойлардаги муаммоларни ҳал этадиган тизимга айлантириш мақсадида эришishi қийин бўлади. Маҳаллалардаги тadbиркорлик, бандлик, хизмат кўрсатиш йўналишларидаги реал вазиятни билмайдиган депутатлар ижро ҳокимияти фаолияти бўйича самарали назорат ўрната олмади.

Демак, “маҳаллабай” ишлаш тизими, бандликни таъминлаш, иш ўринлари яратилиши масалаларида катта масъулият халқ депутатлари кенгашлари ва албатта, парламент зиммасида ҳам турибди.

Қаъий ҳулоса шуки, бу борадаги фаолиятимизни Президентимиз таҳлиллари, танқидий фикрлари, белгиланган устувор вазифалар асосида қайта кўриб чиқишимиз зарур. Ҳар бир депутат, халқ вакили долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганувчи, кузатувчи эмас, ақсинча, масъулиятни зиммасига олиб, жараённинг ичида юрадиган фидойиға айланиши муҳим. Халқимиз, сайловчиларимиз бизга ишониб овоз берган экан, бу ишончини оқлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

БУГУННИНГ ГАПИ

Салоҳиддин САМАДОВ,
Жамоат ишлари жамғармаси
ижрочи директори

Жорий йил 31 март куни макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятдан келиб чиқиб, ҳудуд ва тармоқларни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимизнинг “Биронта ҳоким ва тармоқ раҳбарининг иш ўринларини камайтиришга, бандлик режаларини бажармасликка ҳаққи йўқ”, дея таъкидлагани соҳа вакилларига ўзига хос ҳақириқ вазифасини ўтади.



БАНДЛИК

режаларини бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Йиғилишда иш ўринларини ташкил этиш, бандликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ташки иқтисодий омиллар, янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичлари вилоят ва туманлар бўйича таҳлил қилиниб, эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўламини янада кенгайтириш бўйича қатор топшириқлар белгилаб берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига асосан давлат бюджетидан 300 миллиард сўм трансферт ажратилиши белгиланган. Жорий йилнинг ўтган даврида туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмақлашиш марказлари томонидан 57 минг 43 нафар ишсиз ва банд бўлмаган фуқаро учун 59,9 миллиард сўмлик буюртма шакллантирилиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 30,4 миллиард сўм маблағ молиялаштириб берилди.

Жамғарма томонидан ижара асосида бериладиган инвентар ва воситалар рўйхати-га ўзгартириш киритилиб, 19 турдан 31 турга кенгайтирилди. Асосий восита, минн техника ва асбоб-ускуналар, жумладан, тикув машиналари, пайвандлаш аппарати харид қилиниб, ҳудудларнинг тегишли тақлифлари асосида тadbиркорлик субъектларига ижарага берилди. Шу орқали кўп тармоқли хизматлар йўлга қўйилди. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган ишсиз аҳолининг доимий бандлиги таъминланди.

Жумладан, 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида Жамоат ишлари жамғармаси маблағи ҳисобидан жами 11 та корхонага умумий қиймати 3,7 миллиард сўмлик 504 дона асосий восита ва инвентар (тикув машиналари, мотокўлтыватор, автомобиль ювиш жиҳози, чангюткич, бургилаш ускунаси) харид қилиниб, тadbиркорлик субъектларига ижарага

бериш орқали 958 нафар ишсиз хотин-қиз ва ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Жамоат ишлари жамғармаси қўллаб-қувватлаётган бир қатор тadbиркорлар махсулот ишлаб чиқариш кўлами ва сифатини оширган ҳолда, чет элга экспортни бошлаб юборди. Мисол учун, Тошкент вилояти Бука туманининг Бўстон маҳалласидаги ишсиз аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Бўстон барака нур” МЧЖга 203 та замонавий тикув машинаси олиб берилди. Натижада тadbиркор маҳаллий аҳоли учун 500 дан ортиқ иш ўрни очди. Корхона ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, Италия, Россия ва Қозғистон буюртмачилари билан 650 минг АҚШ долларлик шартнома имзолаб, махсулот экспортини бошлади. Мазкур давлатларда тadbиркорнинг фирма дўконлари очилиб, махсулот сотуви ҳам йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, Наманган вилояти Уччи туманидаги “Нам файз текстил” МЧЖга жамғарма-миз томонидан тикув машиналари ижарага берилиши натижасида иш кўлами кенгайиб, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган “Tigon Trade House Ink” корхонаси билан 504,6 минг АҚШ доллари қийматидаги шартнома имзоланишига эришилди.

Жамғарманинг ишсиз, банд бўлмаган фуқаролар бандлигини таъминлаш ҳамда тadbиркорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган ижара пунктлари орқали ҳудудларга берилган инвентар ва мотокўлтываторлардан бугунга қадар 636,6 миллион сўм ижара тушумини олинди.

Хулоса ўрнида айтсак, сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, фаровонлигини ошириш борасида бошланган ислохотлар ўз самарасини бераётди. Юртимизнинг энг чекка ҳудудлари ҳам аҳоли ўз ҳаётидаги ўзгаришларни оиласи мисолида аққол хис этипти. Жамоат ишлари жамғармаси ҳар бир оила ислохотларнинг ўз ҳаётидаги самарасини тўла хис қилиши учун бор имкониятини ишга солмоқда.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ

У қачон ва қай тарзда намоён бўлиши керак?

— Стратегиянинг мақсади — жисмоний ва юридик шахслар учун осон, қулай ва шаффоф давлат хизматлари кўрсатиш қўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланишини кенгайтириш ҳамда давлат хизматини кўрсатишда барча учун, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни таъминлашдан иборат.

Бошланиши 1-бетда

Бу марказлар орқали кўрсатилаётган хизмат турлари тўрт йил давомида 4,5 баробар ортиб, 37 тадан 172 тага етди. Шундан 52 таси бепул хизматдир. Ҳозир марказларда 2250 дан зиёд ходим меҳнат қилмоқда.

Президентимиз бу соҳани ривожлантиришдан ҳеч қачон тўхтамаслигимиз кераклиги ҳақида доим таъкидлаб келади. Давлат хизматлари марказлари орқали 2018-2022 йилларда жами 40 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича бир кунда ўртача 45-50 минг аҳоли Давлат хизматлари марказлари хизматларидан фойдаланмоқда.

Фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида туман (шаҳар) марказидан 50-100 километр узоқ ҳудудларда 141 та филиал ташкил этилди. Давлат хизматлари марказларининг 170 та замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Қисқа муддатларда, барча марказлари замонавий бино билан таъминлаш чоралари қўрилди ва бу жараён давом этмоқда.

Фармоннинг зарурати шундаки, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ютуқларимиздан ташқари ҳали камчиликларимиз ҳам бор. Хусусан, бугунги кунда барча давлат хизматларини комплекс ривожлантириш ва рақамлаштириш бўйича дастурий ҳужжат мавжуд эмас. Барча давлат идоралари хизматларини ўзига мос тарзда кўрсатмоқда. Ваҳоланки, давлат хизматини кўрсатишда, биринчи навбатда, аҳоли манфаатлари ва уларга қулайлик нуктаи назаридан ёндашиш лозим.

Аҳолига давлат хизматларининг аксарияти ҳамон анъанавий шаклда кўрсатишмоқда. Масалан, 750 та давлат хизматидан 325 таси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шундан 172 таси Давлат хизматлари марказлари ҳиссасига тўғри келади.

Кўрсатилаётган хизматлар улушида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш жуда кам. Шу сабабли электрон давлат хизматлари кўрсатиш қўламини кенгайтириш бўйича ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда. Бу эса мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, фойдаланувчиларга сифатли ва тезкор давлат хизматларини тақдим этиш имконини беради.

Умуман олганда, ҳал этилиши лозим бўлган бу каби долзарб масалалар ҳали кўп. Президентимиз фармони шу муаммоларни ҳал этиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Келинг, энди фармон билан нималар ва қандай устувор масалалар белгилаб берилгани ҳақида гаплашсак.

— Фармоннинг 7 та иловаси билан бир қатор устувор масалаларга эътибор қаратилган, уларнинг ечими белгиланган ва чора-тадбирлар тасдиқланган. Булар сирасига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси, уни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” кирди. “Йўл харитаси”да 2022-2023 йилларда 100 дан ортиқ давлат хизматини рақамлаштириш, уларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиш йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, айрим талаб ва шартлари бекор қилинаётган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, ЯИДХПда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайдиган 38 та


давлат хизмати рўйхати ҳам тасдиқланди. Агар бу рўйхатнинг аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, аҳолига нисҳоятда катта қулайлик бўлганини англаш қийин эмас. Электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайдиган давлат хизматлари сони кўпайиши оддий аҳоли, тадбиркорларнинг қимматли вақти ва маблағи тежалишига йўл очади.

Фармон билан “Электрон ҳукумат” доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизимига давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва қўриб чиқиш ваколатига эга давлат органлари ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини Ягона биллинг тизимига боқичма-боқич интеграция қилиш жадваллари, 2022–2026 йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

— Фармон билан 2022–2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди, дедингиз. Стратегиянинг мақсади нима, унинг доирасида қандай тадбирлар амалга оширилади?

— Стратегиянинг мақсади — жисмоний ва юридик шахслар учун осон, қулай ва шаффоф давлат хизматлари кўрсатиш қўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланишини кенгайтириш ҳамда давлат хизматини кўрсатишда барча учун, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни таъминлашдан иборат.

Қолаверса, тез кунларда аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражасини кенгайтириш, “қозон-сиз” иш юритишни йўлга қўйиш, проактив, композит давлат хизматларини (битта сўров бўйича ўзаро боғлиқ хизматларни кўрсатиш) кўпайтириш, бунда ваколатли



идоралар масъулиятини янада ошириш каби вазифаларни бажаришга ҳам устувор эътибор қаратилади.

Замон тез ривожланмоқда. Бундан тўрт-беш йил олдин мобил телефонлар орқали давлат хизматларини бажариш мумкин, деса, ростки, ўзимиз ҳам ишонмасдик. Бугун бунга қўниқдик. Эндиги марра эса бу хизматлар шаклини ривожлантириш. Фармонда ана шу мақсадлар кўзда тутилган. Жумладан, “ҳужжатлар — телефонда” тамойили асосида шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни мобил иловлага ўтказиш ва уларни QR-код орқали идентификациялашни йўлга қўйиш вазифаси қўйилган.

Давлат органлари фуқаролардан бошқа давлат органида мавжуд маълумотлари талаб қилиш амалиёти

боқичма-боқич бекор қилиш, давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мақбуллаштириш, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, “маҳаллабай” асосда манзилли хизмат кўрсатишни кўпайтириш, аризаларни қўриб чиққанлик учун ундирилган йиғимлар миқдорини қайта қўриб чиқиш каби аниқ вазифалар белгиланган.

Шунингдек, стратегия доирасида қатор мақсадлар ҳам кўзда тутилганки, улар “Давлат — инсон учун” тамойилига ҳамоҳанг. Давлат хизматларини кўрсатишда фуқаро эътибор марказида бўлиши, кам харажат билан юқори ижтимоий қиймат яратиш, давлат хизматларини инновацион ривожлантириш, ҳуқуқий аниқлик ва хавфсизлик тамойиллари шулар жумласидан.

Бу тамойиллар асосида давлат хизматлари кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми аҳоли учун максимал қулайлик яратган ҳолда йўлга қўйилади. Бунда илгор бошқарув технологияларидан, давлат-хусусий шериклик ва бозор иқтисодиёти тамойилларидан самарали фойдаланилади, тизимга инновацияларни жорий этиш, сифатни мониторинг ва назорат қилиш, ўз вақтида тезкор туза-тишлар киритиш механизми қўлланади.

Қолаверса, давлат хизматларини кўрсатиш қўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланишини кенгайтириш ҳамда давлат хизматини кўрсатишда барча учун, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни таъминлашдан иборат.

— Фармонда бюрократик тўсиқларни қисқартириш масаласи ҳам назарда тутилган. Бу нималарда кўринади?

— Жаҳон банки тадқиқотиغا кўра, Ўзбекистонда йирик корхоналар раҳбарлари вақтининг 31 фоизи, кичик корхоналар раҳбарлари вақтининг 26 фоизи бюрократик масалаларни ҳал қилиш, давлат органлари ҳамда ҳокимликлар


Кўряписими, ҳужжатларнинг электронлаштирилиши ва аҳолидан талаб қилиш бекор қилиниши натижасида қанча фуқаронинг оғири енгил бўлди, уларнинг қанча вақт ва маблағи тежалди.

Давлат хизматларини кўрсатиш бўйича 141 дан ортиқ қўнун ҳужжати ишлаб чиқилди, 100 дан ортиқ хизмат тўлиқ қайта қўриб чиқилиб, 200 дан ортиқ бюрократик тартиб-таомил соддалаштирилди, натижада талаб этиладиган ҳужжатлар сони 2 баробар қисқартирилди.

Давлат хизмати учун тўловлар миқдори кескин камайтирилди, тўлов ундирмаган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар сони кўпайди. Давлат хизматлари ягона реестридаги 700 дан ортиқ хизматнинг 50 фоизи соддалаштирилмаган. Ҳар бир вазирлик ва идора ўз хизматларини ва талаб қилинадиган ҳужжатларини танқидий қўриб чиқиб, соддалаштириши керак.

Фуқароларимиз энг кўп мурожаат қиладиган соҳалардан бири коммунал хизмат кўрсатишдир. Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги фармони билан 18 турдаги ҳамда 2021 йил 24 июлдаги фармони билан 17 турдаги маълумот ва ҳужжатни аҳолидан талаб қилиш бекор қилинган эди.

Кечаги фармон билан 2022 йил 1 июлдан бошлаб коммунал ташкилотларга ҳам 35 турдаги ҳужжатни аҳоли ва тадбиркорлардан талаб қилмасдан “Элект-



рон ҳукумат” тизимидан олишга рухсат берилмоқда.

Тасаввур қилиясими, бу билан юрти-миз бўйича йилга яна 10 миллионлаб ёки ундан ортиқ аҳолининг коммунал хизматлардан фойдаланиш учун мурожаат қилгандаги ортиқча оворагарчилигига чек қўйилмоқда, шунча аҳолининг вақти ва маблағи тежалмоқда. Ваҳоланки, аҳоли ҳозирги вақтда уларни йиғиш учун идора-ма-идора қўлаб сарсон бўлиб юришига тўғри келаётган эди.

Тижорат банклари, телекоммуникация, хусусий тиббиёт, нодавлат таълим, сугурта йўналишидаги нодавлат ташкилотларга ҳам “Электрон ҳукумат” тизими орқали олиш мумкин бўлган маълумотлардан фойдаланишга рухсат берилмоқда. Фақат бу ташкилотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қўнунчилик талабларига риоя этиши шарт, бу тегишли лицензия талаб ва шартларидан бири ҳисобланади.

— Фармон билан жисмоний шахсни идентификациялашнинг янги ҳақиқат ва аҳолига нима беради?

— Ҳақиқатан, фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 августдан бошлаб мамлакатимизда давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда жисмоний шахсни идентифи-кациялашнинг Мобиль-ID тизими жорий этилади.

Бу “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва шахсни мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутди.



Шахсни Мобиль-ID тизими орқали идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра, Давлат хизматлари маркази ёки но-тариал идора ёхуд Ягона интерактив дав-лат хизматлари порталининг мобил ило-васи орқали амалга оширилади. Бу тизим фойдаланувчилари электрон рақамли им-зони қўлламаган ҳолда барча давлат хиз-матларидан (бундан молиявий хизматлар мустасно) фойдаланиши мумкин бўлади.

кабинети ёки Мобиль-ID тизими орқали идентификациядан ўтган мобил теле-фон рақамига бу ҳақда хабарнома юбо-рилади (бундан давлат сир ва қўнунчи-ликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган ҳолатлар мустасно).

Иккинчиси, ҳўжалик бирлашмалари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, “Электрон ҳукумат” тизимидан фойда-ланишга рухсат берилган нодавлат та-шкилотлар томонидан ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда шахсга доир маълумотлар унинг субъекти розилиги билан “Электрон ҳукумат” тизими орқали тақдим этилади.

Бунда маълумотлар тегишли таши-лотга шахсга доир маълумотлар субъек-тининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки “Мобиль-ID” тизими орқали идентифи-кациядан ўтган мобил телефон рақами-дан тасдиқ олингандан сўнг “Электрон ҳукумат” тизими орқали тақдим этилади.

— Яна қандай янгилликлар кўзда тутилган?

— Фармон билан 6 турдаги (тиббий, фармацевтика, архитектура-шаҳарсоз-лик, солиқ, меҳнат, заргарлик буюмлари фаолиятига тегишли) лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун амалда мавжуд бўлган 17 та бюро-кратик талаб ва шарт қисқартирилиб, бекор қилинди.

8 та вазирлик ва идоранинг элект-рон тизими “Электрон ҳукумат” тизими-га интеграция қилинади. Бунинг на-тижасида аҳоли ва тадбиркорларнинг электрон давлат хизматларидан фой-даланиш имконияти янада кенгайди. 38 та давлат хизматидан ЯИДХПда электрон рақамли имзо билан тасдиқ-ламасдан фойдаланишга рухсат бер-рилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғ-рисидаги ишларни юритиш ва қўриб чиқиш ваколатига эга бўлган 21 та дав-лат органининг ахборот тизими Ягона биллинг тизимига интеграция қилини-ши белгиланди. Бунинг натижасида жарималарни электрон тўлаш ва на-тижаларидан хабардор бўлиш имконияти яратилди.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, янги ўқув йилида олий таълим муассасаларига ки-риш учун тест топширишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтери”га кiritилган ёшлар олий таълим муас-сасасига ўқишга қабул қилишда ўткази-ладиган кириш тест синовида иштирок этиш учун ундирилмайдиган тўловлардан озод этилади.

Марказларда аҳоли ва тадбиркорлар электрон давлат хизматларидан фой-даланишда ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи жойлар ташкил этиш белгиланди.

Ўйлаيمизки, фармонда белгиланган чора-тадбирлар аҳолининг давлат хиз-матларига талабини самарали қондириш, мустақил равишда масофадан туриб фойдаланиш имконияти ошиши, давлат хизматларининг барча ҳудудларга кириб бориши, аҳоли ва тадбиркорларга қатор йўналишларда қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Лутфулла СУВОНОВ
суҳбатлашди.




ТАҲЛИЛ

Носиржон ЮСУПОВ,
Марказий Осиё халқаро институти бош илмий ходими

Озиқ-овқат хавфсизлиги бугунги кунда дунё мамлакатлари олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланган. Одамларни сифатли ва етарли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш эса бевосита қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишлар, соҳага татбиқ этиладиган замонавий иш услубларига боғлиқ.

Мамлакатимизда мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилаётган сифат ва хавфсизлик талаблари тобора кучайиб борапти. Халқаро доирада муносиб ўрин эгаллаш эса қўшимча чоралар қўллашни тақозо этади.

етиштирилаётган Қирғизистон бу борада жаҳон етакчилари қаторида эътироф этилади. Тожикистонда органик деҳқончиликни ривожлантириш учун мавжуд асосий устунлик — маҳсулотлар тури ва навини табиий равишда етиштириш имконини берувчи қулай иқлим шароити. Буларга эртапишар мева, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар ўстириш имконияти мавжудлиги, қишлоқ аҳолиси, хусусан, арзон ишчи кучи етарлича эканлиги ҳам қўшилади. Қолаверса, кимё-

ОРГАНИК ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИМарказий Осиё мамлакатларида
қанчалик ривожланмоқда?

Шу маънода, дунё миқёсида органик қишлоқ хўжалиги, органик маҳсулот ишлаб чиқариш тренда айланаётгани бежиз эмас. Чунки органик маҳсулот етиштириш — бу табиий жараёнлар асосида, яъни туپроқда фойдали микроорганизмларни қўлайтириш, минерал ўғитлардан илмий асосда фойдаланиш, пестицидлар, гербицидлар ёки ГМОдан фойдаланмасдан деҳқончилик қилиш демак. Натижада табиатга, иқлимга, биологик хилма-хилликка зиён етказилмайди.

Маълумотларга қараганда, органик қишлоқ хўжалиги дунёнинг 180 мамлакатида жорий қилинган бўлиб, 50 миллион гектардан ортиқ майдонни қамраб олган. Айни йўналишда 2020 йилда жами 100 миллиард АҚШ долларидан зиёд қийматга эга маҳсулот етиштирилган. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО таҳминига кўра, 2023 йилга бориб жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бешдан бир қисми органик турлар ҳиссасига тўғри келади.

Кейинги йиллар учун хос бўлган яна бир ҳолат: озиқ-овқат нархи ўсиб бораётгани ҳам органик қишлоқ хўжалигининг аҳамиятини сезиларли даражада оширмоқда. Шундай экан, бу борада Марказий Осиё минтақаси давлатлари қандай чоралар кўрмоқда? Уларнинг имкониятлари қай даражада? Қўйида шулар ҳусусида фикр юритамиз.

Эътиборли жиҳати, қузиатиш ва таҳлиллар Ўзбекистонда ҳам, қўшни давлатларда ҳам охириги ўн йилликда бу борадаги ишлар жадал ривожланиётганини кўрсатяпти. Мисол учун, Қозғистондаги бепеён қишлоқ хўжалиги ерлари, иқлим ва аграр хилма-хиллик мамлакатнинг органик ишлаб чиқаришдаги асосий устуворлигини белгилайди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, республика ички бозорни ривожлантириш учун етарли даражада ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга.

Шунингдек, Қозғистонда бир қатор қўшимча имкониятлар ҳам бор. Энергия ташувчи воситалар билан боғлиқ сарф-харажатлар юқори эмаслиги, ички бозорда рақобат кучсизлиги, жаҳонда, айниқса, мамлакатнинг асосий савдо шериклари ҳисобланган Россия ва Хитойда тоза маҳсулотларга нисбатан талаб ошиб бораётгани шулар сирасидан.

Қозғистоннинг органик қишлоқ хўжалиги ривожланиши 2013 йил “2013 — 2020 йилларда яшил иқтисодиётга ўтиш тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилиниши билан бошланган. 2015 йилда эса мамлакатнинг “Органик ишлаб чиқариш тўғрисида”ги қонуни кучга кирди.

Экспортчи компаниялар маъмулотига кўра, халқаро стандартлар сертификатига эга Қозғистон органик маҳсулотлари Россия, Украина, Германия, Польша, Нидерландия, Туркия ва Италия бозорларига кириб бормоқда.

Қирғизистонда мазкур тармоқ ривожланишини рағбатлантирувчи омиллар сифатида мамлакатнинг ҳозирги аграр сектори учун хос бўлган шарт-шароитлар — унча катта бўлмаган хўжаликлар, арзон ишчи кучи ва капитал танқислигини кўрсатиш мумкин.

2018 йил декабрида Қирғизистон парламенти мамлакатда мавжуд ноорганик ер майдонларини босқичма-босқич қисқартириш ва 2028 йилгача тўлиқ органик ишлаб чиқаришга ўтиш режасини эълон қилди.

Бундан ташқари, ҳукумат томонидан тасдиқланган “2017–2022 йиллар учун Қирғизистонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси” ҳамда 2019 йилда тақомиллаштирган ҳолда қабул қилинган “Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тўғрисида”ги қонун унинг тараққий этишига катта ёрдам бермоқда. Бугунги кунда дунё бўйича органик пахтанинг 7 фоизи

вий ўғитлар қимматлиги ва бундай воситаларни олиб кириш имкониятлари чеклангани органик қишлоқ хўжалиги қўламини кенгайтириш учун янада қулай шароит яратяпти.

Тожикистон маҳсулотлари учун асосий бозор Хитой ва Россия бўлса, сўнгги йилларда улар Европа Иттифоқи мамлакатларига ҳам кириб бораётгани диққатга сазовор. Органик пахта, ёнғоқ, ўрик, шунингдек, ёввойи ҳолда ўсадиган ва йиғиб-териб олинадиган ўсимликлар етказиб берилиши ҳажми ошиши билан бу борада мавжуд имконият янада ортимоқда.

Замонавий органик ишлаб чиқариш Тожикистонда расман 2008 йилдан эътиборан, пахта етиштириш бўйича халқаро лойиха амалга оширилиши доирасида бошланган. 2017 йил 4 минг 900 гектар майдонда сертификатциядан ўтган 6 минг 405 тонна органик пахта етиштирилган. Бу жаҳон бозоридagi миқдорнинг тахминан 5 фоизини ташкил этади.

Туркменистонда эса органик қишлоқ хўжалиги ҳали кенг оммалашмаган. 2019 йил 8 гектар майдонда жорий қилинган, иссиқхонада сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган органик ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳозирча бу борада мамлакатда эришилган илк ва ягона натижа бўлиб турибди.

Эътиборлиси, юртимиз — Ўзбекистон органик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун энг қулай шарт-шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлатдан бири ҳисобланади. Яйловлар ва пичанзорлар нафақат емиш тайёрлаш ва “тоза товар”, деган талабга жавоб берадиган бошқа маҳсулотлар етиштириш учун яхшигина база вазифасини ўташ билан бирга юқори талабларга мос доривор ва хушбўй ўт-ўлан, ўсимликлар ўстириш, асал ишлаб чиқариш учун ҳам замин яратяпти.

2016 йилдан буюн мамлакатимиз Европа давлатларига органик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бера бошлаган. Гарчи, экспортнинг асосини қуруқ мевалар ташкил этса-да, бошқа йўналишлар бўйича ҳам фаол иш олиб боришмоқда. Мамлакатимизда, шунингдек, мазкур йўналишни ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқилган. “Органик ишлаб чиқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Ушбу ҳужжатлар ижроси бу борада мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва соҳани ривожлантириш имконини яратяпти.

Умуман олганда, бундай иш тутумига ўтиш Ўзбекистон учун ҳаётий зарурат. Бунинг учун аниқ ва тизимли ёндашув керак. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш борабарада, ички бозорни шакллантириш бўйича ташкилий, аҳолининг соғлом озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тарғиботи бўйича тушунириш чораларини кўриш лозим. Бу жараёнда худди экспортни амалга оширишда қўлланадиганга ўхшаш иқтисодий механизмини ишга тушириш жуда муҳим.

Аграр соҳада ердан фойдаланишдаги ислохотлар, иқарачиларнинг қонун дахлсизлигига қатъий ишончи ва ижарага олинган майдонларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши ундан унумли ҳамда оқилона фойдаланиш учун яхши шарт-шароитлар яратяпти.

Органик қишлоқ хўжалигига ўтиш зарур ва муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бу озиқ-овқатга доир муаммоларни ҳал этишдан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ҳудуд аҳолисини борман сари талаб ошаётган сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлаш имконини оширади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаб, янги иш ўринлари ташкил этилишига замин яратяпти. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, қишлоқ одамлари турмуш даражасини яхшилаш учун айнаи муддаовир.

Музаффар Абдуллаев олган суратлар.



КОММУНАЛ СОҶА

МУАММОЛАРДАН ҚОЧИШ ЭМАС,
УЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ ЗАРУР

Президентимиз шу йил 8 апрель куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлиб, ҳудуддаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишганди.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарига “Олмазор холдинг гранд” бошқарув сервис компанияси ва шаҳардаги бошқа шундай компаниялар ҳақида батафсил маълумот берилиб, тақдимот

қилинди. Нима учун бунга урғу беряпмиз? Гап шундаки, бизда коммунал соҳа энг “оғрик”лилардан биридир. Мурожаат қилиш мумкин бўлган идора ёки ташкилот борки, уларга келиб тушаётган аризалар орасида, албатта, коммунал хизматга тегишлиси учрайди. Қайсидир маҳаллада иситиш тизими яхши эмас, бошқасида уйлар томи таъмирталаб, яна қаердадир ичимлик сув йўқ...

Бу каби масалаларга кейинги пайтларда жиддий эътибор қаратилмоқда. Боиси, охириги икки-уч йил мобайнида соҳа фаолиятига доир бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Иш, бошқарув тизими янги услубга ўтди. Камчилик ва муаммоларга жойида ечим топиш, соҳага тадбиркорларни жалб қилиш жадаллашди. Соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар, қилинажак ишлар ҳусусида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирни Шерзод ҲИДОЯТОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

Сусайган ишонч қайтмоқда

Очиғи, шу пайтгача аксарият ширкатлар фаолияти қонқарли бўлмаган ва ҳозир ҳам тўлиқ ижобий баҳо бера олмаймиз. Бироқ секин-аста бўлса-да, йиллар мобайнида аҳолининг ширкатларга нисбатан қамайган ишончи қайтмоқда. Профессионал бошқарувчи ташкилотлар фаолиятига муносабат тобора яхшиланяпти.

2021 йилда тажриба тариқасида юртимиз бўйича 15 та бошқарувчи ташкилот очик танлов орқали танланиб, улар билан 1 минг 227 та кўп квартиралар уй-жойни бошқариш учун тегишли шартномалар тузилди. Ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи чорагига келиб 20 мингга яқин уй бошқарувчи ташкилотларга бириктирилди.

Шу билан бирга, “оғир” тоифадаги ширкатларнинг сони 750 тага қамайди. Қисқа вақт ичида бошқарувчи ташкилотларнинг кредит қарздорлиги 43 миллиард сўмдан 22 миллиард сўмга, бошқача айтганда, қарийб 50 фоиз пайсиди, 250 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Бошқарувчи ташкилотлар аҳоли мурожаатларига тезкорлик билан жавоб бериши учун



тақомиллашиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили Президентимизнинг “Кўп квартиралар уй-жойлари бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлса, жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Кўп квартиралар уй-жойлари бошқариш фаолиятини амалга ошириш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда “Кўп квартиралар уй-жойлари бошқаришни тақомиллаштириш ва коммунал хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларни қабул қилинди.

Коммунал хизматлар бозорига профессионал бошқарувчи ташкилотлар кириб келди. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ҳам қўлайди. Олмазор туманидаги “Олмазор холдинг гранд” бошқарув компанияси ташкил этилганига ҳам кўп бўлгани йўқ. У 103 та кўп қаватли уй, 4203 та хонадон, 4 та мактаб, 7 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та оилавий поликлиникага хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур иш тутуми, яъни бошқарувнинг тадбиркорлик субъектларига берилиши амалда ўзини оқлаяпти.

Бундан тадбиркорга қандай наф бор? Аҳоли қандай манфаат кўради? Бундай саволлар бўлиши табиий. Келинг, таҳлил қилиб кўрамиз. Олайлик, муайян ҳудудда бошқарувчи қўлга киритган компания ўша ердаги кўп қаватли уйлар ертўла қисmini бошқа тадбиркорларга ижарага бериши ёки ўзи қайсидир йўналишда иш ташкил қилиши мумкин. Бу бошқарув компаниясига ҳам қўшимча даромад келтиради, ҳам шу ердаги одамларни ишли қилишга ёрдам беради. Бу бир жиҳати. Иккинчи жиҳати, уйларнинг ертўла қисми аввалгидай қаровсиз ётмайди. Демак, худуд обод бўлади.

24/7 режимида фаолият юритадиган диспетчерлик ва аварияни бартараф этиш хизматлари йўлга қўйилди.

2021 йилда мамлакат бўйича жами 4 минг 395 та кўп квартиралар уй таъмирланди. Шунингдек, соҳада рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахсининг идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда биллинг тизими тўлиқ жорий этилди.

Бошқарувчи ташкилотларнинг электрон рейтингини йўлга қўйилди ва тизимда 290 та бошқарувчи ташкилот баҳоланди. “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари доирасида мамлакат бўйича 1 минг 139 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тўташ худудларни ободонлаштириш бўйича 57 та айвонли тандирхона қурилди, 385 минг погонметр ирригация тармоғи таъмирланди, 79 минг 800 квадрат метр пиедалар йўлга бетон қопламаси билан қопланди, шунингдек, 1 минг 200 га яқин ёритиш тизими ўрнатилди, қарийб 50 та болалар майдончаси барпо этилди.

Ҳар йили ўртача 1 миллион 500 минг киши илк бор ичимлик сув билан таъминланиб, 2 миллион 300 минг аҳолининг ичимлик сув сифати яхшиланяпти.

Аниқ мақсадли лойиҳалар

Инвестиция дастури доирасида ўтган йили 43,5 километр иссиқлик тармоғи, битта марказий, битта маҳаллий қозонхона, 12 та қозон, 22 та замонавий насос ускунаси, 2 та газ тақсимлаш пунктида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.



Жаҳон банки иштирокидаги “Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида Чирчиқ шаҳридаги 75 МВтли қозонхонани модернизациялаш яқунланди, 25 МВтли 3 та янги замонавий қозон ва ёрдамчи қурилмалар ўрнатилди. Ўзунлиги икки километрга яқин иссиқлик тармоғи алмаштирилиб, 13 та кўп қаватли уй ертўласи индивидуал иссиқлик шохобчаларини ўрнатиш учун тайёрланди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида Хоразм вилоятида 11 та иссиқлик таъминоти объектида модернизация ва реконструкция қилинди 9,3 километр иссиқлик тармоғи, 11 та маҳаллий қозонхона, 33 та қозон, 42 та замонавий насос ускунаси қурилди ҳамда реконструкция қилинди.

Наманган вилояти Давлатобод тумани “Мустақиллик” ва “Халқлар дўстлиги” МФЙ аҳолисини иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун марказий қозонхона қуриш ва иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш” лойиҳаси объектида 36,4 километр иссиқлик тармоғи реконструкция қилинди ва 66 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатилди.

Умуман олганда, амалга оширилган ишлар салмоғи анчагина, лекин қилиниши зарур бўлганлари ҳам, камчиликларимиз ҳам талайгина. Айтилик, 2022-2026 йилларда 172 та қозонхона ва 482 километр узунликдаги иссиқлик тармоғини қуриш ҳамда 109 та қозонхона ва 543 километр иссиқлик тармоғини модернизациялаш, ички иситиш тизими носозлиги (тик ва ётиқ қувурлар) сабабли иссиқлик таъминоти тизимларидан узилган 5 мингга кўп квартиралар уйнинг ички иситиш тизимини тиклаш ҳамда 13 мингга яқин кўп хонадонли уйга табиий газда ишловчи индивидуал, икки контурли иситиш қозонлари ва электр энергияси билан ишлайдиган конвекторлар ўрнатиш керак. Бу билан аҳолининг марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланганлик даражаси 52 фоиздан 66 фоизга етказилиши мақсад қилинган.

2022-2026 йилларда 6 мингдан зиёд кўп квартиралар уйи, хусусан, 2 миллион квадрат метрдан кўп томон жорий ва мукамал, 4 мингга яқин уйнинг фасад қисми, 1 минг 400 та ички муҳандислик тармоғи таъмирланади, 2 мингга болалар майдончаси қурилади, яна шунча лифт ускунаси янгиланади. 280 та қозонхона ва минг километр иссиқлик тармоғи қурилиб, модернизация қилинади.

Сув таъминоти соҳасида 40 минг километр сув тармоғи тортилади, 4 мингга яқин иншоот қурилади ва реконструкция қилинади. Натижада бир ярим мингдан зиёд маҳалла илк бор ичимлик сув билан таъминланади, 3 минг 214 тасининг сув таъминоти яхшиланади, мамлакатнинг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 69,7 фоиздан 87,1 фоизгача ортади.

Қайд этганимиздек, коммунал соҳада муаммолар кам эмас. Булар, табиийки, аҳолида турли ва ҳақли эътирозлар келтириб чиқаради. Шу боис, бугунги кунда бозор иқтисодиёти принциплари асосида юқори сифат ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, одамлар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, коммунал хизматлар сифати ҳамда қўламини ошириш мақсадида илгор давлатлардаги каби бошқарув сервис компанияларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Муҳими, бунинг самараси аста-секин бўлса-да, амалда кўриняпти. Соҳадаги савй-ҳаракатлардан қўзланган мақсад ҳам аслида шу.

**“Янги Ўзбекистон”
газетаси муҳбири
Дилшод УЛУҒМУРДОВ
ёзиб олди.**

МАТОНАТЛИ КИШИЛАР

СУВЛАР ТОШҚИН, МАНЗИЛ ОЛИС
ЭДИ, БИРОҚ...Сирожиiddин
ЗАЙНИТДИНОВ ҳикояси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил июль ойида Олмасор туманига ташрифи давомида Ўзбекистон карлар жамиятининг Кар-соқовлар маданият марказига ҳам борди.

Давлатимиз раҳбари шу куни жамиятимиз аъзолари билан суҳбатлашар экан, мендан келгуси мақсад ва режаларим ҳақида сўради. Яқинда шахмат бўйича Буюк Британияда ўтadиган очик чемпионатга тайёргарлик кўряпман, дедим. Президентимиз чемпион бўлишим кераклигини айтди ва шу ернинг ўзида жамиятимизнинг уч аъзосига уй совға қилди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Кўзим ёшга тўлди, ички бир тугён вужудимни қамраб олди. “Шавкат Миромонович, мен албатта ғалаба билан қайтаман, сизга

ҳақида эшитганимизда эса, умрнинг ҳар бир лаҳзаси нечоғлиқ азиз эканини тeранроқ англагандай бўламиз.

Шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони, “Шуҳрат” медали соҳиби, 31 ёшли Сирожиiddин Зайнитдинов ана шундай замондошларимиздан.

Жиззах вилоятининг Арнасой туманида истиқомат қилаётган Савранбек ака ва Ҳайитгул опа oilасидаги саккиз фарзанднинг олтинчиси бўлиб туғилган Сирожиiddин 3 ёшида тилдан қолди.

...Қуларнинг бирида у онасига имлаб оёғини кўрсатади ва ниманидир тушунтирмоқчи бўлади. Уша вақтда она нега имо-ишора билан ҳаракат қиларди, деган хавотир билан боласини бағрига босиб, шифокор ҳузурига чоғди. Улар болани кўриб, ҳеч қандай касали йўқлигини, вақт ўтиб гапириб кетишини айтади. Ота-онасининг эса ҳаловати йўқлади.

106-мактабда ўқитишга қарор қилди. Бошқа илоҳимиз йўқ эди. Лекин онаси “ўғлимнинг бир ўзини пойтахтга қандай юборамиз, кошчи эди, гапира олса, ўзингиз бoринг, бирон жой топиб ёнида бўласиз, токи ўрганиб кетгунича”, деб қатъий туриб олди.

Бир томонда кўзлари жавдираб турган беэабон Сирожиiddиннинг келажак, иккинчи томонда бошқа фарзандларим ва аёлим. Ахир қандай қилиб очик ҳовлини, экин экилган томорқани, мол-ҳолни, қўйингни, oilанинг бутун ташвишини хотинимнинг ёлғиз ўзига ташлаб кетаман, аёл боши билан қандай эпларди, деган саволлар қуршоғида қолдим.

Сирожиiddинни мактабга жойлаштирганимдан сўнг, ҳар шанба, яшанба кунлари ҳолидан хабар олиб турдик. Олис йўл, қундалик харажатлар кун сайин рўзгорнинг горини кенгайтириб бoраверди. Ниҳоят, шаҳардан ўзимга муносиб иш топарман, дея пойтахтга йўл олдим.

Бу ерда шахмат билан жиддий шуғуллана бошладик. Қаерда мусобақа ва машғулотлар ташкил этилса, қайси мураббийга олиб бoриш керак бўлса, ўғлимга ҳамроҳлик қилдим. Чунки мураббийлар имо-ишора тилини билмас, мен ўртада тилмоч эдим.

Шу тариқа, ўғлим Шайхонтоҳур туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабига ҳам қатнаб, шахмат сирларини ўрганишда давом этди. Ўзим ҳам шу мактабга ишга жойлашдим.

Менга ёрдам беринг,
отажон...

Сирожиiddин болалигида ҳамма тенгдошлари билан гаплашиб, улар билан бирга ўйнагиси келарди. Шундай пайларда кўнгли тўлиб, дилидагиларни қoғзага ҳам тушириб борган...

“Нега ҳамма бола гапиради-ю, мен гапира олмайман? Ота, мен ҳам улардай гапиришни истаيمان. Илтимос,

отажон, мени даволатинг, нима қилиб бўлса ҳам, қанча пулингиз кетса ҳам тилимдаги тугунни ечиб ташланг! Мен сиз, онам, ҳамма билан гаплашишни хоҳлайман. Катта бўлганимда, сизларни бошимда кўтараман. Фақат менга ёрдам беринг, отажон, илтимос!”

Тўғри, Сирожиiddин сўзлай олмайд, юрагидаги қувончларини, орзу-армонларини баралла айтолмайд. Аммо сизу бизни бир қарашдаёқ англайди, кўнглимиздагини сўзсиз тушунади. Энг асосийси, барчамизни шукроналик билан яшашга, ҳар бир куннинг қадрига етишга ундайди. Ўзининг енгилмас иродаси, метин саботи билан тақдир зарбаларига қулиб қарашга, уларни мардонавор енгилшга қорлагандек бўлади.

Ғолиблик ва ғалабалар
симфонияси

Сирожиiddин шахматнинг стандарт, рапид ва блиц йўналишларида дoна суради.

14 ёшида Германиянинг Маленте шаҳрида қар ва заиф эшитувчи ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида биринчи ўринни қўлга қиритган.

15 ёшида Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида бронза медали, Швейцариянинг Санкт-Галлен шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медали соҳиби бўлган.

Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида блиц йўналишда биринчи, стандарт йўналишда иккинчи ўринни қўлга қиритиб олтин ва қумуш медаллар эгасига айланди.

2016 йил Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда иккинчи, 2017 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни банд қилди.

Ўзбекистон чемпиони, “Шуҳрат” медали соҳиби.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Бахти бутун oilанинг
бахтиёр бошлиғи

Мақоламиз қаҳрамони 2017 йилда ўзи кўнгли қўйган қизга ўйлашиб, бахтли-саодатли ҳаёт кечирмоқда. 4 ёшли ўғли Зиёмиiddиннинг тиллари бийрон, у ҳам ҳозирданок шахматга қизиқади. Отаси билан шахмат ўйнаш жону дили.

5 ойлик қизи — Муслима бешикада, бувижониси Ҳанифа опанинг эркалаши ва аллалари оҳанги остида соғлом улғаймоқда. Сирожиiddиннинг аёли Қамолaxon Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси.

Сирожиiddин Зайнитдинов мураббийлик фаолиятини олиб бoриш учун Халқаро ФИДЕ ташкилоти томонидан “NATIONAL INSTRUCTOR” сертификати эга бўлган шахмат устаси. 2015 йилда Тошкент давлат педагогика университети таоммлади. 2016 йилдан то бугунги кунга қадар Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Шахмат федерациясида ёшларга шахмат сирларини ўргатиб келмоқда. “Sport-Friendship-Victory” номили шахмат мактаби бор. Отаси Савранбек ака билан маслаҳатлашиб, ҳамкорликда очган мактабда қарийб ўн йилдан буён юзга яқин шогирд етиштирди. Жаҳон ва Осиё чемпионлари Жавоҳир, Исрол ва Ҳумоюн Синдоровлар, Ҳумоюн Бегмуратов, Умида Омонова, Одина Олимова, Абдулбосит Шарифжонов шулар жумласидан.

Эшитмайдиган одам
шахматни қандай ўргатади?

Эшитмайдиган ва гапирмайдиган одам қандай қилиб шахматни ўргатиши мумкин, дейсизми? Шахмат мактабига келган 4-5 ёшли болаларга унинг отаси Савранбек ака ва синглиси Сабоҳат устозлик қилади. Бир йилдан сўнг иқтидорли болалар саралаб олинган, улар билан Сирожиiddиннинг шахсан ўзи шуғулланади.

У гапирмасдан туриб, шахмат дoналарини ҳаракатлантириш орқали дарс ўтади. Шогирдлари эса устозининг лaб ҳаракатидан нима сўраётганини ва

айтаётганини аниқ англайди. Ўзининг керакли ва долзарб фикрларини доскага ёзиб тушунтириб беради. Жаҳон чемпиони ўз мактабида ўзидан-да қучли чемпионларни тарбиялашни ният қилган.

Устозим каби жаҳон
чемпиони бўлдим

— Устозим Сирожиiddин Зайнитдинов билан жуда фахрланаман, — дейди шахмат бўйича ўн карра Осиё ва икки карра жаҳон чемпиони, ФИДЕ устаси Умида Омонова. — Асли сурхондарёликман. Етук шахматчи бўлиш учун пойтахтга келдим. Устозим билан йиллар давомида шуғулландик, кун келиб машҳур чемпион бўлишимга ишонтирди.

Тинимсиз машғулотлар, ўқиш ва ўрганишлар туфайли ўзим ҳам устозим сингари жаҳон чемпиони бўлдим. Келажакда устозимга ўхшаб, юртимиз шафрини ҳимоя қиладиган шогирдларим бўлишини ва улар ҳам мен билан фахрланишини истаيمان.

Ўша вақтларда ҳам
спортчиларга
бугунгидай эътибор
қаратилганида эди...

Ҳайитгул опа ҳикояси:

— Ўғлимнинг шахсий шахмат мактаби бўлишини жуда истаганман ва у 21 ёшида ўзининг шахмат мактабини очди.

Лекин сизга очиғини айтсам, ўша йиллари, яъни бундан ўн йиллар илгари мактаб очилишини ўзи бўлмаган. Отанга бор, онангга бор, қабилида обдан сарсон қилишгани кечагидек эсимда. Эҳ-ҳе, қанча аризалар “каттакон”ларнинг столида қoлиб кетди.

Ўша вақтларда ҳам спортчиларга бугунгидай эътибор қаратилганида эди... Бугунги шароитлар учун Президентимизга раҳмат, азиз боши омон бўлсин!

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ

ҲИНДИСТОНДА ИНСТИТУТИМИЗ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Шуҳрат ТЕШАЕВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти ректори

Бугун янги Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида қар жаҳода туб ўзгаришлар рўй бeряпти. Кенг қўламли ислохотлар натижасида халқимиз дунёқараш, онгу тафаккури юксалмоқда, янгиланишларга хайрихоҳлиги ошмоқда. Айниқса, “Давлат — инсон учун” деган эзгу ғоя ҳаётга татбиқ этилаётгани, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги барча мақсад ва вазифалар юртимизда инсон кадр-қимматини юксалтиришга қаратилган юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаяпти.

Хусусан, тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида олий таълим муассасаларида мамлакатимизни янада ривожлантиришга қoдир ёшларни тарбиялаш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш каби қатор вазифалар белгиланган. Бу борада олий маълумотли тиббиёт ҳoдимларини тайёрловчи таълим муассасалари зиммасида ҳам алоҳида масъулият бор. Президентимизнинг шу йил 13 март куни соғлиқни сақлаш ҳoдимлари билан ўтказган очик мулоқотида бу ҳақида батафсил сўз юритилди. Олий ва ўрта махсус тиббиёт таълими муассасалари олдида турган мақсад ва вазифалар очик-ойдин белгилаб берилди. Ушбу топшириқлардан келиб чиққан ҳолда, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда.

Ҳозир таълим муассасасининг 8 та факультетида 12 та таълим йўналиши ҳамда 24 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Тиббиёт кун сайин ривожланаётган, соҳага янги тушунча ва технологиялар кириб келаятган айни пайтда бу йўналишлар камлик қилади. Шу боис, келгуси ўқув йилида институтида 2 та янги факультет, 3 та кафедра, 1 та бакалаврият таълим йўналиши ва 6 та магистратура ихтисослиги очилиши кўзда тутилган. Шунингдек, тиббиётда нанотехнология, рақамли тиббиёт, биоинжиниринг технологиялари, биокимё (тиббиётдаги генетика) каби йўналишлар бўйича етакчи хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурлари сонини ошириш чораси қўрилмоқда. Ушбу сай-ҳаракат натижасида талабалар сонини 5 409 нафардан 6 963 нафарга етказиш имкони вужудга келади.



Муассасамизда анъанавий тиббиёт билан бирга, халқ таботатини ўқитишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугун институтиимиз базасида 20 нафар шифокордан иборат Халқ таботати ва интегратив тиббиёт шифохонаси фаолият олиб бoряпти. Бу йўналишда сифатли кадрлар тайёрлаш учун 2020 йилда халқ таботати йўналиши очилган. Ҳозир бу бўйича 55 нафар талаба ўқияпти. Халқ таботати табиий доривор гиёҳлар билан даволашга асосланган. Шу боис, институтининг доривор ўсимликлар етиштириш учун ажратилган бир тектар ер майдонидан ўндан ортик шифобахш гиёҳ етиштирилмоқда. Уларни амалиётга татбиқ этиш ва таъсирини ўрганиш бўйича 12 та илмий иш олиб бoрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш ҳoдимлари билан учрашувида ўрта махсус тиббиёт билим юртларини олий таълим муассасаларига бириктириш орқали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Мана шу топшириқ ихроси юзасидан Бухоро ва Навоий вилоятларидаги 6 та жамоат саломатлиги техникуми ва битта тиббиёт коллежи институтиимизга бириктирилди. Келгусида мазкур таълим муассасалари билан мунтазам академик ҳамкорлик олиб бoрилади. Яна бир аҳамиятли жиҳат шуки, Бухоро вилоятидаги туман тиббиёт бирлашмалари ва марказий тиббиёт муассасалари бош врачлари сони 41 нафарни ташкил этади. Энди ушбу бош врачлар ҳам илмий фаолиятга жалб қилиниб, уларга институтидан 41 нафар раҳбар бириктирилади. Чунки бугун ҳамма соҳага илмий ёндашув талаб этиляпти. Айниқса, амалиётдаги мутахассислар учун билими ва тажрибасини муттасил ошириб бoриш сув ва ҳаводек зарур.

Институт қошида замонавий ускуналар билан жиҳозланган илмий лаборатория ташкил этилган. Аппаратлар ярим автомат ва автомат тарзда ишлайди, асосан, Германия, Бельгия, Туркия давлатларидан олиб келинган. Илмий лабораторияда 150 дан ортик тахлил намуналарини ўтказиш имконияти мавжуд. Ушбу жиҳозлар ёрдамида талабаларнинг клиник ва амалий кўникмалари шакллантирилади. Илмий лаборатория ёнида замонавий жиҳозланган ўқув хоналари ташкил этилгани ҳам талабаларга қулайлик яратмоқда.

Ушбу шароитлар туфайли ўтган 2020 йили Бухоро давлат тиббиёт институтида 400 нафар чет эллик талаба тахсил олди. Жорий ўқув йилида педагогик жамоамиз Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатлардан келган 600 нафар бўлғуси тиббиётчига таълим бермоқда. Айниқса, Ҳиндистондаги халқаро Ноида университети базасида Бухоро давлат тиббиёт институтининг филиали очилгани халқаро таълим алоқалари соҳасида катта ютуқларимиздан бўлди. Бунинг натижасида чет эллик талабалар сони ортиб, юртимиз олийгоҳларининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошди. Энг асосийси, ўз анъана ва ютуқларига эга бўлиб бoраётган олий таълим даргоҳи сўнги тўрт йилда мамлакатимиз миллий рейтингига бир неча ўнлаб поғона юқори кўтарилди. Жумладан, 2017 йилда институт миллий рейтингда 41-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилга келиб, юртимизнинг энг яхши олий таълим муассасалари ўнгилгига кирди. Институтининг халқаро миқёсда таълим жoзибадорлигини ошириш ва жаҳон рейтингларида барқарор позицияни эгаллаши бoрасида мақсади чoра-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда. Қoлаверса, тиббиётнинг бир қатор йўналишлари бўйича етакчи хорижий университетлар билан қўшма таълим сонининг йил давомида янада кўпайиш кўтиляпти.

Ўтган йил якунига қадар муассасамизнинг илмий салоҳияти 43,2 фоизни ташкил этиб, 70 та илмий иш ёқланди.

450 нафар профессор-ўқитувчидан 40 нафари фан доктори, 160 нафари фан номзоди, 34 нафари эса илмий иш билан шуғулланаётган докторант, 74 нафари мустақил тадқиқотчи. Бундан ташқари, тиббиёт ривожланган чет давлатларда иқтидорли олимларимиздан 5 нафари диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган.

Институтиимиз талабалари маҳаллий ва халқаро миқёсдаги олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллаб, нуфузли стипендия ва муқофотларга эга бўлаётгани ҳам қувонарли ҳол. Жумладан, ўтган йили 44 нафар талабамиз шундай юқори натижаларни қўлга қиритди.

Қутилаётган янгиланган бири — институтининг янги кампуси фойдаланишга топширилиш арасида. Мазкур мажмуада талабалар шаҳарчаси, поликлиника ва талабалар турар жойлари, илмий лабораториялар ўрин олади. Бу ерда молекуляр генетик лаборатория, ўқув ва симуляция маркази, доривор ўсимликлар етиштириладиган майдон, кичик илмий ва амалий анъанавий тиббиёт соҳасида зарур дoри-дармон воситаларини ишлаб чиқариш учун фармацевтика заводи ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, истиқболдаги режаларимиз институтиимиз талабаларининг мукаммал билим олиб, бeрилаятган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда эл қорига ярайдиган етук шифокорлар бўлиб етишиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

БИР ҲОВУЧ НУР ҚЎШГАН ИСМИМГА ХАЛҚИМ...

ҚУТЛОВ

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёвнинг оидин шеърини жилосидан бахраманд бўлган ҳар бир ўқувчининг қалбига ёруғлик инди. Қалб қўриқчилар сатрларда юзлаб тақдирлар сиймоси, ранглар жилоси, истиқлол, юрт ва юртдошларнинг кечаги куни ва бугунги кўз ўнгимизда жонланади. Шоира кўнглида тўлқин урган сатрлар гоҳида алангадек шиддатли, гоҳида гулдек нафис ва латифдир...

Устоз шоира ҳаётнинг гўзал, поэтик томонини кўра билгани учун ҳам тупроғу тошдан сўз очадими, деҳқон ёки болбон ҳақида ёзгани, шодлиғи аламдан қуйлайдими, сатрларининг ҳар қатимида ажиб бир меҳр жилайиб тургандай ҳолатда қолди. Бу ёруғ оламда инсон тақдирини, унинг кечаётган умри, армони, умиди ҳақидаги ўй-мулоҳазалардан иборат манзумалар, китобсевар халқнинг маънавий хазинасига айланажак асарлар ҳар одам ҳам дунёга келавермайди. Шоиранинг шеърларини ўқиган ўқувчи ўзи билмаган, сезмаган ҳолда меҳр оламини кириб боради. Ўз илмини, ота-она, яқинларини, туғилган тупроғини соғина бошлайди.

Ойдин Ҳожиёвнинг “Бухоро”, “Юрагингда”, “Қарз”, “Сирлашув”, “Наврўнома”, “Саломнома”, “Ватан”, “Фахрия”, “Сизга”, “Гулдаста”, “Ёдгорлик” каби ўнлаб шеърларида элу юртга бўлган оташин муҳаббат, шовуллаган боғлар, пурвиқор тоғлар, дарвозаси қулф қўрмаган ҳовлилар, тош қўчалару бошига оқ лайлақлар ин солиб қишлаган азим минорлар тимсолида таққин қилинади. Шоира муаззам Ватан боқийлигини дунё қаҳқашонида ўз сўзи, ўз ўрни ва ўзлигини намойиш этиб келаятган эли билан муштажам бирлиқда кўрсатади ва шундай сатрларга жўз эди:

Юрагинда гуллаб турган Ватан боғим,
Унинг теҳан томирлари жон-жонимдадир.
Шу боғ меҳри, шу юрт ишқи билда устувор,
Юрагинда, қонимдадир, илмонимдадир.
Шоиранинг “Қарз” деб номланган шеърлари:
Дардинг олайин, тупроқ,
Сендан қарзга ботманман.
Ховучида болбулоқ,
Шарбатларин тотаанман,

— дея она тупроққа муқаддаслик рутбасини берган бош омили унинг асл фарзандлари эканини аниқлатади. Бир сўзидан Ватанни отам деб алқаса, бир сўзидан уни тупроқ кечиб юрган беғубор болага менгазайди:

Оқиломлари хаёлчан,
Саҳарлари бир ҳалим.
Тупроқ йўлда сарпойчан,
Уйнаб юрган Ватаним!

Ватан — шунчаки жўн сўз, оддий тушунча эмас. Ватан — жамиятнинг қувончлари, юрак ориқлари, одамларнинг дарду ташвишлари демак. Ойдин опанинг шеърлари ҳам ўзига ўхшайди. Дунё ва одамни таниш, кўнгли билан тиллашиб, қалбига яқинлашишга интилади.

“Саодат” журнали тахририятига келган илк куним кечагидек ёдимда. Бош муҳаррир билан юзма-юз бўлиш илмининида борганимни билган котиба:

— Опа ҳозир бир йиғилишда. Бироздан кейин келиб қолар. Вақтингиз бўлса кутиб туринг, бўлмаса бошқа куни келарсиз, — деди. Кутуш илминини ортида умидим мунгайиб турарди. Бу табаруқ даргоҳда ишлаш, устозлар сабоғини олиш озуғима айланганди.

Бош муҳаррир хонасига кириб борганимда жуда ҳаяжонда эдим. Ўсмир ёшимда “Тулхан” журналига бир-икки шеъримни юбориб, жавоб олганим, ҳуснихат билан битилган мактуб якунида “Ойдин Ҳожиёва” деб битилган имзо, хатни ўқиб севиған отам анча пайтгача: “Халғи хатни олиб чиқинг, қизим”, деб яқинларимизга суянчилаб юргани бир-бир хаёлимдан ўтди.

Опа билан сўхбатимиз самийий кечди. Қаерларда ишлаганим, иходим, оилам тўғрисида гапладим. Шундай эл назаридаги шоира билан юзма-юз сўхбат қўриб ўтирганимга ишонгим келмасди.

— Шунча йил таълим тизимида ишлаб-сиз, қаламингиз чарқлашини учун кўпроқ ёзиб туришингиз керак эди. Назм бўлимига яхши бир иходор керак, аммо... Майли, эртага мана шу мавзуда бир мақола қоралаб келинг, — деди опа очик ҳеҳра билан.

Берилган вазиға жуда осон кўринди. Ҳаётимизда ҳар куни учрайдиган оддий мавзу эди. Аммо тунни тонга улаб ёзганларимдан, фикимлардан отганим кўпроқ бўлди. Кечаги ҳаяжон эвида экан. Минг андиша билан ёзганимни ҳавола қилдим. Мақолани ўқиб ўтириб, майингина жилмайиб қўйди, сўнг: “Анжана шевада “нин” қўшимчаси сира ишлатилмайди?”, деб сўради. Кейин қизариб кетганимни қўриб: “Майли, ўрганиб кетасиз, қани юринг-чи, хонадошларингиз билан таништиранман”, деди.

Инсон кўнгли охири кўринмас сароб эмас. Ўша куни ҳўриб турган кўнглимга

ажиб бир илиқлик инди, нур қуйилгандек бўлди. Устозларнинг сабоғини олар эканман, ҳар куним, ҳар оним ҳикматларга йўғрилиб борарди. Тахририятга келган ёш иходорнинг иходий машқими ёки журналхонлардан келган мактубларми — ҳамма-ҳаммаси опанинг назоратида эди.

Бир куни ёш шоиранинг шеърларини менга бериб: “Ўқиб кўринг, яхшиларидан бир-иккитасини “Тулхоналар”га тайёрланг”, деди. Ўқидим, ўргандим. Опанинг ёнига кириб: “Бирорта шеърини ҳам танлай олмадим, буларни шеър деб бўлмайди”, дедим дадиллик билан. Ранжиган маънода вараққа қўл чўзди. Овоз чиқариб шеърларни ўқий бошлади.

“Отам менинг қайрағоч, онам хоксор қалдирғоч”, деган ибора ва бошқа ўзига ёққан сатрларни танлаб олиб, мулоимлик билан менга:

— Яхшилаб ўқинг, меҳр билан ўқинг. Оддий бир хатнинг ортида ҳам инсон қалби турибди. Умид билан қўлига қалам олиб, хат ёзган одам йўл қарайди, кутади. “Ялт” этган битта сўзи бўлса, уни кўксидан итармасдан, унинг-ўсишига, шаклланишига ёрдам бериш бизнинг бурчимиз. Сўзга баҳо беришда шошилманг, адолатли бўлинг. Худо назар қилмаса, кўнглига шеър ишқи тушармиди, қўлига қалам тутармиди?!

Ҳа, устоз бу борада ҳақ... Ўзи эътироф қилганидек адолатли эди. Ёшлар ёзган мактубларига эринмай жавоб йўлар, уларнинг кўнглини кўтариб, руҳиятига умид, ишонч



бахш этишининг турли йўриқларини бизга ҳам ўргатади. Шоғирларга бўлган эътибори, тилағи, дуоси мана шундай сатрларга жойланган...

...Сўзингизда буюк вулқон қўрайин,
Изингизда тоза райҳон қўрайин,
Созингизда юртга дармон қўрайин,
Аллоҳ сизга нуриң тўқиб турибди...

Ойдин Ҳожиёва шеърларида табиат хоссалари алоҳида ўрин тутди. Унинг тақлинида табиат инсоннинг борлиғи ва борлиғи билан бир тану бир жон. Лирик қаҳрамон барглар қатимиға, гуллар рангига, майса-кўкатлар шивирига, оқар сувлар сукутиға сингиб бораркан, барча-барчасидан инсонийлик хислатларини, тириклик ҳикматини туюди... Боғларда қалава ўраган шамолни қўриб чархга айлангиси келса, қорайиб турган юпун дарахтларга эғнидаги зарбоф чопонини ёлғиси, иллитгиси келади. Сўнгги манзилга эринибгина бораётган кўзининг йўлини тўсиб, баҳор чечакларидан унга тўхға қилади.

... Бу кезлар табият камгап бир аёл,
Қаҳратон олдида йиғмоқда бардош.
Қалбимдан жой сўраб турар қўлда лол,
Пулпа нуқрасидай сап-сарик қўёш!

Унинг лирик қаҳрамонлари ўз жигаридек яқин бўлиб кетади. Селдан хурқан бебош сурувдай ҳар ён юргурган булутларга, юрагидан жой бергиси келган шоира устима-уст кўкка қамчи урган қаққоқдан ранжийди. Кўздан ўт чиқиб кетган осмоннинг газабидан она ерни асрагиси келади. Худди жигарларининг тиригига елкадош, ёруғ дунёдан ўтгандан кейин ҳам руҳига йўлдош бўлгани каби...



Ойдин опа нафақат шеърларида, аслида ҳам табиат шайдоси. Қаердадир қўриб ё кимдандир янгилик, яхшилик нишонасидан хабар топса, уни қаламга олар ва биз шоғирдларига ҳам бу хислатни “юқтиргиси” келарди.

“Саодат”да янги иш бошлаган кезларим эди. Раҳбаримиз хонасига чақириб, табиатни суйган бир оила эгалари билан сўхбат қилиб, мақола тайёрлаш кераклигини айтди. Манзилни олғач, йўлга тушдим. Муъжазига хонадондаги турли қўшларни қўриб, ҳайратим ортиб борарди. Тўти, қумри, булбул, майна ва яна ўнлаб қўшлар тури бор эди. Наздимда, яхшигина гурун бўлди. Оила бошлиғи табиатсевар, камтар-

тураверди. Болаларим билан ҳар мақомга йўғралаб кўрдик, бўлмади. Бир куни хотиним ошининг зирвагини тайёрлаётган эди, бир ишга андармон бўлгани учун қоврилаётган зирвак тирс-тирс этиб қозонга ёпишиб қолибди. Шунда бирдан иккиси ҳам сайраб юборди. Бири қўйиб, бири шундай сайрадики, еру қўқ булбулнинг навосидан рақс тушарди, гўё. Кейин қўшларни тутиб келган соҳил бўйидаги чақалақзорга йўл олдим. Ўша ердаги овозларни тасмалаб, кейин эшитиб кўрдим. Тўлқинланиб оқаётган сувга тегиб турган қамиш, буталар япроғидан тирсиллаган овоз чиқаркан. Булбулларни сайратиб юборган саснинг худди ўзи... Чақалақзор, тўқайда бўлса ҳам ўша ватанини севаган, кўмсаган бу қўшларни қафасдан озод қилдим... Қўшлар ҳам одамга ўхшайди. Кимдир юртдан бир қадам олис кетса, юраги ўртади, соғиниб ер бағирлайди. Кимдир туғилган тупроғига тош отади...

Мақолам чоп этилган кун кўнглимда байрам бўлди. Бир неча йил устознинг сабоғидан бахраманд бўлганим, ҳаётда юксалишимга пойдевор бўлганини энди-энди ҳис эта бошладим.

Устоз шоира Қутлибека Раҳимбоева билан бир хонада ўтириб ишлардик. Опанинг ҳазили билан айтганда: “Кўннинг энг хузурли дақиқалари тушлик пайти”да кўнгли ёзардик. Ўшанда қаҳ-қаҳ этиб қўшлар бўлсам керак, Ойдин опам аста кириб хонага кирди.

— Секинроқ қўлинглар, қизлар. Бу бинода биргина биз эмасмиз. Ён қўшимиз “Тулхона”да ҳам тўла одам. Улар нима дейди... “Саодат”нинг қизлари ҳаммага ўрناк бўлиши керак. Қувонсангиз мен ҳам хурсандман, аммо ҳар ишнинг меъёри яхши, — деди. Ўзлари айтганидек, жуда сокин инсон. Қўвончу шодлик қўша келган кезлариде ҳам ҳайқирмайди, қайғуларини, ҳасратини қўшганга қўйиб солмайди. Кўнглидаги бори сим-сим сатрларга силқийди. Тонгдан тўхфалар олиб, шом шуъалаларига тутган устоз шоиранинг яхшию ёмони, бахтию армони — ҳамма-ҳаммаси сизники, ўзиники, бизники ҳамдир. Ўзи айтганидек, бу оламда барча топган яхшиликлариде дўстларининг ҳиссаси бор:

Агар толе қуши кўнса бошимга,
Бахт-иқболим бўлса даврада дoston,
Менина ҳар ютуғим, эзгу ишмда,
Дўстларим ҳиссаси кўлдир беғумон...

Бирор ноҳақ сўздан бағри қон бўлган кезларда ҳам йўлларини тўсган тўғонни ўз қисматим деб билади. Ўзидан-ўзини излай бошлаган шоира ҳаргиз қўшларини қалқон қилмаслигини пичирлаб айтади.

Тупроқ тимсолида ота макони Ватан, боқийлик маънолари билан маънодордир. Шоира битикларида сўздан-сўзга улканлашиб борган иборалар тақдор-тақдор келаваради. Ушққина уруғда доврқ чинорларнинг салобати яширингани каби сатрлар сайқалида она юрт, Ватан муҳаббати муҳассамлашган.

...Сенсиз чумолича рағбатим йўқдир,
Сен билан тоғни ҳам қўларман толқон.
Сендан айирмасин ўлғунча тақдир,
Сен ўзинг кўксимга пўлатдан қалқон,
Ватан, онажон!

Инсон ортида қолғувчи ёруғ изларда, нурли йўлларда тирикликка муносиб яшаганлигини, ўзини бой бермаганлигини, ўзини йўқотмаганлигини кўради. Ўзига, ҳаётга, гўзалликка, тупроқ билан офтобнинг барҳақлиғига ишонч ҳам Ҳақнинг инсон кўнглига муҳрлаган боқийлик нишонасидир. Уларнинг уйғунлигини, кўнглида эзгулик ниҳолларини ўстириш, келгуси насллар қалбиде алангалар ҳосил қилиш ҳам инсонга юқтирилган беназир неъмат эканини Ойдин опанинг оидин йўллари сўйлайди.

Беназир инсон, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва бугун табаруқ 80 ёшга тулди. Умрининг борини, борлигини адабиёт ривожига нисор айлган инсон ҳаммаша эл дарди билан нафас олади. Йигирма бир йиллик захматлари синган, ҳар сатрига кўз нури, қалб қўри тўқилган “Саодат” журнали ҳам юз ёшни қўвалаб бораяпти, бу икки мукаррамлик ҳаммамизга қўтлуг бўлсин, азизлар!

Дил изҳорларимни устознинг тўртлиги билан якунламоқчиман:
Чинни пўлангиз кўнурасида,
Битилган муҳаббат байтчан, балким.
Танлаган қўшлар тон қўрасида,
Бир ховуч нур қўшган исмиға халқим.

**Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1164
85049 нуқсада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

РАМАЗОН САБОҚЛАРИ

Муборак Рамазон ойи муносабати билан масжидларда Аллоҳнинг қаломини — хатми Қуръон тиловатлари янтрамоқда. Ер юзидаги барча мусулмонлар меҳр-шафқат, файз-барака, рушд-ҳидоят қўнлари бўлган Рамазони шарифни хурсандлик ва чексиз шукроналар билан ўтказмоқдалар.

МЕҲР-ШАФҚАТ ВА ИБОДАТ ФУРСАТИ

**Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра мудири,
тарих фанлари доктори**

Рамазон покляниш, меҳр-шафқат, ибодат ва Қуръон ойидир. Аллоҳ таоло бу ойнинг улуғлигини бундай баён этган: “Рамазон шундай улуғ ойки, унда инсонларни ҳидоятга бошлағувчи, ҳалол билан ҳаромни ажратиб берувчи Қуръон нозил қилинган” (“Бақара” сураси, 185-оят). Масжидларда Рамазон кечалари таровиҳ намозларида Қуръон ўқилиши бежиз эмас. Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) “Рамазон шундай ойки, унинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзах ўтидан халос қиладиган кунлардир”, деб марҳамат қилганлар.

Рўза исломдаги беш устундан биридир. Бу хусусда “Бақара” сурасининг 183-оятда: “Эй иймон келтирган бандалар, Сизлардан аввалги қавмларга фарз қилинганидек, Сизларга ҳам рўза тутуш фарз қилинди, шояд тақводор бўлсангиз”, дейилади. Аввало, рўза тутуш орқали Аллоҳ таоло ибодатга буоради. Ушбу ибодат тўғрисида инсон жисмонан, қалб ва руҳан покляниб, тақводор бўлади. Тақво бирор нарсадан тийилиш, сақланиш дегани, яъни “парҳез” сўзига тўғри келади. Бунда инсон ўз нафсини ёйиш, ичишдан, жинсий алоқадан, тилини турли бемаъни, ҳақоратли гап-сўздан тияди. Умуман, киши кўз, қулоқ ва бошқа аъзоларини ислоҳ этиб, сабр-қаноатга ўргатади.



Шунингдек, рўзадор киши бировнинг дилини оғритиш ва ҳақиқа ҳиёнат қилиш каби иллатлардан сақланиши лозим. Бу ҳақда пайғамбаримизнинг “Агар ёмон гап-сўз, гина-адоватлардан сақланмасангиз, кун бўйи оч юришингизга Аллоҳ муҳтож эмас” ҳадиси мавжуд. Демак, тилини турли фикс-фужур гап-сўзлардан пок сақлаш Рамазони шариф одобларидан саналади.

Рўза тутуш инсон ва жамият учун фойдали экани тўғрисида Имом Ғаззолий бундай деганлар: “Рўза тутуш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланишдир. Оч баданда қалб бир меъёрга ишлайди, ақл тинчлашади, қўз равшан тортади. Тўқлик дангасалик тўғрида, қалб кўрини ўчирди, зехни ўтмаслаштиради. Кам ўйку ва кам таом билан қалбларинеизга ҳаёт бахш этилг. Қалбларинеизни очлик билан покланлар. Шунда қалбларинеиз мусаффо бўлади ва тегилашади”.

Испомнинг аҳкомлари ва бошқа ибодатлари сингари рўза жамият ва инсон ҳаётига ихобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Негаки, рўза тутуш орқали инсон ўз иродасини мустаҳкамлайди. Узгалирга нисбатан меҳр-шафқатли ва ҳушмуомала бўлади. Рамазон ойда кишилар ўртасидаги муносабатлар яхшиланади, ҳар қандай гина-қудуратлар, араз-нифок унутилади. Расулulloҳ (с.а.в.) башорат қилганларидек, Рамазон ойда ихлоос, эътиқод ва Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлган рўзадор кимсанинг барча ўтмиш гуноҳлари мағфират қилинади. Шундай экан, тақво ва покляниш ойини ғанимат билиб, эзгулик, яхшиликка ундовчи хайри, саовоби амалларни қўлайтирайлик.

Умуман олганда, Рамазон ойининг ҳар бир куни Аллоҳ тарафидан биз учун берилган улуғ неъмат ва имтиҳондир. Шунинг учун ушбу муборак ойда саовоби амалларга ҳаракат қилишимиз онадан янги туғилгандек покиза чиқишимизга сабаб бўлади.

Рамазон кечаларида қилинган дуоларнинг, ибодатларнинг шарофат барокотидан Аллоҳ таоло бутун дунёда, хусусан, мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик, фаровонликни янада бардавом айласин.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1164
85049 нуқсада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳис: Рўзикул Очилов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 02:20 Топширилди — 03:15